

Ishonch

2019 йил 3 декабрь • сешанба • № 145 (4274)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КЕЛАСИ ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислохотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш – энг устувор вазифа, замон билан ҳамнафас бўлишнинг муҳим шарти экани таъкидланди.

Бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Иқтисодиётни либераллаштириш, тенг рақобат муҳитини шакллантириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, энергия тежамкорлигини ошириш каби муҳим йўналишлар бўйича ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бизнес субъектларига зарур шароитлар яратилди.

Лекин ислохотлар реал ҳаётда ўз аксини етарли даражада топмаяпти. Йиғилишда турли соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди, тегишли раҳбарларнинг фаолияти кескин танқид остига олинди.

Масалан, энергетика тизимидаги йўқотишларни кескин камайтириш, сотилган электр қувватининг ҳисобини тўғри юритиш ва дебитор қардорлиқни қисқартириш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, табиий газни қазиб олиш, транспортировка қилиш ва тақсим-

лашда ҳаққоний ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас. Айниқса, газ ва электр энергияси таъминотидаги узиллишлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сўнги 3 йилда кадастр соҳасини ислох қилиш бўйича ҳам қабул қилинган 10 га яқин қарор ҳалигача тўлиқ ишлаб кетгани йўқ. Масалан, ер ажратилишнинг онлайн аукцион тизими ҳанузгача жорий этилмаган, кадастр маълумотларини рақамлаштириш ишлари якунланмаган. Ҳозирга қадар ерга бўлган ҳуқуқнинг янги шакли ва уни беришнинг очик-ошқора механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Қурилиш соҳасида бугунги кунга қадар эски стандарт ва меъёрлар сақланиб қолмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Янги инновацион ечимлар ва лойиҳалар устида ишловчи мутахассислар тайёрлашга умуман эътибор берилмаяпти.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилишга рухсатнома бериш ва келишиш жараёнлари қозғош шаклида амалга оширилмоқда. Мутасадди ташкилотларда ўзаро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда транспорт соҳаси-

даги муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Мисол учун, юк ташиш тарифлари юқорилиги боис маҳсулотлар таннархи баланглигича қоляпти. Аҳолига қулай ва арзон транспорт хизматлари кўрсатиш талаб даражасида эмас.

Халқаро таълим стандартларини жорий этишга етарли эътибор қаратилмаётгани ҳам қайд этилди. Президент таъкидлаганидек, профессор-ўқитувчилар малакасини баҳолаш мезонлари замон талабларига мос келмайди.

Бундай нуқсонларни банк-молия, солиқ, рақамли иқтисодиёт, коррупцияга қарши кураш каби бошқа соҳаларда ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳон банкнинг хулосасига кўра, иқтисодиётимизда давлат улуши ҳанузгача юқорилигича қолмоқда ва бугунги кунда 50-55 фоизни ташкил этади.

Шу муносабат билан сўнги уч йилда қабул қилинган қарорлар ижросини танқидий баҳолаш орқали «оқсаётган» 13 та муҳим йўналишда тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқишга масъул ишчи гуруҳлар тузилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ишчи гуруҳлар томонидан жорий йил 20 декабрда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди.

Аввало, қайд этилган ҳар бир тармоқ бўйича сўнги уч йилда қабул

қилинган ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларнинг ҳаётга жорий этилиш ҳолатини танқидий ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Чунки айрим қарорларда ўрнатилган тартиблар амалда қўлланилмаяпти. Масалан, Жаҳон банки экспертларининг фикрича, Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасидаги 97 ислохотдан атиги 24 таси тўлиқ жорий қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев қарорларда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, бунга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳар бир соҳа, йўналиш ва ҳудуд кесимида ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

Мутасаддиларга 2020 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, уларнинг масъул ижрочилари, аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда «йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳужжатларда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қилинадиган ишлар ҳамда келаси йили эришиладиган марралар ўз аксини топади.

Ислохотларни жадаллаштириш ва «йўл хариталари» ижросини сифатли таъминлаш мақсадида ҳар бир йўналиш бўйича «лойиҳа офислари» ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тузилмаларнинг асосий вазифаси муайян чора-тадбир бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишдан иборат бўлади.

Белгиланаётган ишлар ижросини сифатли ташкил этишга кенг жамоатчилик, тадбиркорлар, халқаро молия институтлари мутахассислари, хорижий экспертларни жалб қилиш мақсада мувофиқлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, шу орқали рақобатбардошлиқни ошириш 2020 йилги энг устувор вазифа бўлиши кенглигини таъкидлади.

Тармоқлар раҳбарлари асосий эътиборини инвестициялар самарадорлигига қаратиши лозимлиги қайд этилди.

Ислохотлар ижроси сўзсиз таъминлини учун шундай назорат тизими белгиландики, унга мувофиқ, Ўзбекистон Бош вазири ҳар икки ҳафтада ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар, аниқланган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни муҳокама қилиб боради. Масъул соҳа раҳбари ҳар ой аниқ бир ҳудуд мисолида бажарилган ишлар ва уларнинг натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасида тақдимот ўтказилади. Мақсадли индикаторларни таъминламаган раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги кўриб чиқилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва уларга бириктирилган масъулларнинг ахбороти тингланди.

УзА



КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев Лаос Халқ-Демократик Республикаси эълон қилинган сана муносабати билан Президент Бунянг Ворацитта қутлов йўллади.

president.uz



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амириклари Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда Абу-Даби амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаёнга миллий байрам – БАА ташкил топган кун муносабати билан табриклар йўллади.

president.uz



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Руминия миллий куни муносабати билан Президент Клаус Йоханнисни табриклар йўллади.

president.uz



«Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

uza.uz

«Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

«Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан Шухрат Аббасов ва Раҳматилла Орзиқуловлар ўн йил муддатга Олий суднинг судьяси лавозимига сайланди.

Мукаддас Гуламова ҳамда Хамра Бердикличевлар Олий суднинг судьяси лавозимидан озод этилди.

senat.uz



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловини кузатиш ва мониторинг қилиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган МДХ Парламентлараро ассамблеяси халқаро кузатувчилари 2019 йилнинг 2 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси раҳбарлари билан учрашди.

uza.uz



2 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ирқий камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитасининг 100-сессиясида иштирок этиш учун Женева шаҳрига ташриф буюрди.

uza.uz



Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ташкил этилган ТУРКСОЙ ташкилоти доимий кенгашининг навбатдаги йиғилишида Хива шаҳри 2020 йилда Турк дунёсининг маданият пойтахти, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сенаторлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги харажатларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида айрим соҳалар бўйича харажатлар кўпайди, шу муносабат билан қўшимча маблағлар йўналтирилди. Бу йўналишлардаги харажатлар 10 фоиздан ортққча ошиши,

футболларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш учун харажатлар 12,3 фоизга камайиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда Сенат кўриб чиқиши учун киритилган тақдимномасига мувофиқ тегишли йўналишлар бўйича 2019 йил учун тасдиқланган Давлат бюджетни параметрларини 11676,3 миллиард сўмга ошириш ва 95,2 миллиард сўмга камайтириш сўралган. Масала парламент аъзолари томонидан маъқулланди, Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мусобақаларда 200 нафардан зиёд жумладан, волейбол мусобақасида 96 нафар аёл, футболда

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН СЕНАТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ



2019 йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун маъқулланди.

2>

Хоразм вилояти

Ўзимиз ўрناق бўламиз!

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фоллар ва ҳодимлар учун спорт мусобақалари ўтказишни анъанага айлантирган.

Навбатдаги беллашувлар спортнинг волейбол, футбол турлари бўйича бўлиб, унда барча тармоқ касаба уюшмаларидан таркиб топган шаҳар ва туман жамоалари ўзаро куч синашди.

Мусобақаларда 200 нафардан зиёд жумладан, волейбол мусобақасида 96 нафар аёл, футболда



108 нафар эркак иштирок этганлиги касаба уюшма ҳодимларининг спортсеварлигидан далолат бўлди.

Ургач ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактаб-интернатининг волейбол ва мини-футбол залларида ўтказил-

ган мусобақалар натижаларига кўра, волейбол баҳсларида биринчи ўринга Ҳазорасп тумани, иккинчи ўринга Урганч шаҳри, учинчи ўринга Хонқа ва Янгияриқ туманлари жамоалари сазовор бўлишди.

Футзал мусобақасида биринчи ўрин Қўшқўпир тумани, иккинчи ўрин Бирлашма аппарати, учинчи ўрин Хива шаҳар ва Хонқа тумани жамоаларига насиб қилди.

Ҳикмат ҲАЙТБОЕВ, Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

Спорт

Кенгура соғларда ўқит...



ЎГАЙ МУНОСАБАТ



«ТИШГА БОТГАН» МАНЗАРА



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шундан кейин парламент аъзолари Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида, Сурхондарё вилояти таркибига Бандихон туманини ташкил этиш ҳамда Қизирик, Бойсун ва Қумқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Шундан кейин парламент аъзолари Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида, Сурхондарё вилояти таркибига Бандихон туманини ташкил этиш ҳамда Қизирик, Бойсун ва Қумқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН СЕНАТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

Амалдаги «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун 1992 йил 2 июлда, яъни бундан 27 йил илгари қабул қилинган эди. 3 та боб ва 22 та моддадан иборат ушбу қонунга 2001 йил 7 декабрь, 2016 йил 28 ноябрда қўшимча ва ўзгаришлар киритилган.

Бундан ташқари, лойиҳа Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг веб-сайти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси веб-сайти, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида кенг муҳокамага қўйилди.

– амалдаги қонунда бор бўлган ҳавола ва декларатив характердаги нормаларни бартараф этиш. Мазкур Қонун расман эълон қилинганидан 3 ой ўтгач, амалга киритилди.

Касаба уюшмаси аралашгач... КОМПЕНСАЦИЯ пуллари тўлаб берилади. Қорақалпоғистон Республикаси. Мазлум бўлишча, қоллеж директори П.Ержанов штат бирлиги қисқариши сабаб, пенсияси ҳолатидаги 100-модда 2-бўлим 1-бандиди асос қилиб ишдан бўшатилган.

Барчаси кўнгилдагидекми?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2018 йил 2 октябрдаги «Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари кунини» жорий этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси «Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш кунини» деб эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига Чимбой туман Қизилўзак қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежиди жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб келган Ж.Қаипназаровдан мурожаат келиб тушди.

Бошланғич ташкилотларда




қўрсатилган. Ходимлар тиббий кўриқдан ўтказилган ва бундан ташқари, нодавлат секторига мансуб муассасаларни касаба уюшмасига жалб этиш бўйича ишлар ҳам қизғин. Ортада қолган октябрь-ноябрь ойларида 12 та нодавлат мактабгача таълим муассасасида касаба уюшма ташкилоти тузилиб, етакчилар сайланди.

Таълим

Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизimini ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган таҳлиллар мамлакатда фан олимпиадаларини ривожлантириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилганини кўрсатмоқда.

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ

Ғолиб ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари тақдирланди. 2019 йилда Ўзбекистон терма жамоаси Халқаро олимпиадаларда 8 та медални қўлга киритди. – дейди Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров.



Анжуман Куз-қиш мавсуми кириб келиши билан корхона ва ташкилотларда иситиш тизимларидаги носозликлар, этиборсизлик сабаб кўнгилисиз ҳодисалар рўй бериши хавфи ортади. Бундай ҳолат рўй берган тақдирда иш берувчи ва ходимлар амал қилиши керак бўлган қоидалар ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас. Хавфсиз меҳнат сабоқлари Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнат муҳофазаси ойлари» доирасида Юнусобод туманидаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида ташкил этган семинарда айни шу мавзуда сўз юритилди.

Сирдарё вилояти

Оғриқ тишлар...

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотида кўра, ҳозирги кунда ҳудудда 224 нафар кўзи ожиз бола бор. Вазият ўрганилганида, уларнинг умумтаълим мактаблари, бошқа ҳудудлардаги махсус интернатларда тахсил олаётгани, баъзилари мактаб ёшига етмагани учун, айримлари эса мактаб ёшидан ўтса-да ҳамон уйдалиги аниқланган.

Танда ҳис этмагунча, дардни англамаймиз (МИИ?)

Вилоятда кўзи ожизлар учун ихтисослашган махсус мактаб-интернат мавжуд эмас. Мактаб тўғрисида кўплай мурожаатлардан сўнг Гулистон шаҳар ҳудудидан 50 сотих ажратилгани маълум қилинди. Республикадаги мавжуд шу тоифадаги мактаб интернатлар 2,5-3 гектар майдонда жойлашган. Вилоятда эса 30 сотих майдон ажратилган. Бу мактаб учун камлик қилмасмикин?

дат қолганига қарамай қурилиш ишлари бошлангани йўқ. Умуман олганда, вилоятда кўзи ожизлар билан боғлиқ муаммолар кўп. Жумладан, вилоят кўзи ожизлар жамияти аъзоларининг меҳнат

ордер олиш, реабилитация воситалари билан таъминланишида қийинчиликларга дуч келишяпти.

Жамиятнинг Гулистон шаҳар бўлинмаси раиси Карима Азаматованинг айтишича, айнан ишга жойлаштириш, воситалар беришда имконият етарли эмаслиги учун ҳам вилоятдаги 4 минг нафар кўзи ожиз шахслардан аттиги 1 минг 200 нафари жамият аъзоси бўлишга розилик билдирган.

Соғлом пидеалар учун хавфли бўлаётган ўтиш йўллари имконияти чекланганлар учун катта муаммо бўлаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ваҳоланки, овозли светафор, рангли йўлақлар аллақачон иxtирос қилинган. Вилоят тугул, мамлакатимизнинг ақалли махсус мактаб жойлашган кўчаларида ҳам бундай қулайлик яратилмаган.

Муаммо танада ҳис қилинганда яхшироқ англашилади. Шу боис, ҳам қонун чиқариш тизимида, депутатларимиз орасида бу тоифадаги кишилар бор бўлишига зарурат борга ўхшайди...

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch»

Жамият қошидаги салкам 70 йиллик ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бу йил турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган. Ҳолбуки, шу вақтгача корхонада кўрпа-ёстиқ, кигиз каби маҳсулотлар тайёрланган.

билан бандлиги муаммо. Айни пайтда уй шароитида чорвачилик, қуенчилик билан шуғулланиб келаётганлар бор. Баъзилари ўз тадбиркорлигига эга. Бироқ кўпчилиги ишсизлигича қолмоқда.

Жамият қошидаги салкам 70 йиллик ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бу йил турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган. Ҳолбуки, шу вақтгача корхонада кўрпа-ёстиқ, кигиз каби маҳсулотлар тайёрланган. Кўриш имконияти чекланган ногиронлар саломатлигини тиклаш учун шифохонага

Хоразм вилояти

Боланинг спортга қизиқишида мактабдаги муҳим муҳим аҳамиятга эга. Шу сабаб мактабларда жисмоний тарбия дарсларидан ташқари, турли спорт тўғрисидаги мусобақалар ташкил қилинади. Бироқ ҳамма мактабларда ҳам бунинг учун етарли шароит йўқлиги кўплай болаларнинг орзуларини армонга айлантормоқда. Хонқа туманидаги 19-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам ана шундай болалар қаторида...

Қуламаса



Ҳисоб эмасми?

дарс қарийб беш ой номигагина ўтилади. Бундай шароитда ўқувчилар чемпион бўлиш ҳақида ҳатто орзу ҳам қилолмайди.

– 5 нафар наварам шу мактаб ўқувчилари, – дейди Сотимбой Қиличев. – Улар дарсда пайти юрак ҳовучлаб ўтираман. Спорт

Мактабга киришингиз билан димофингизга зах ҳиди урилади. 1974 йилда фойдаланишга топширилган муассаса ўтган даврда бирон марта ҳам капитал таъмирдан чиқарилмаган.

Тўғри, тадбиркорлар, ота-оналар кўмаги билан мактабда ҳар йили имкон қадар таъмирлаш ишлари олиб борилган. 4 та синфхона тадбиркорлар ҳомийлигида таъмирланган. Янги эшик ва деразалар ўрнатилган. Янги столлар, замонавий доска ва мультимедиа воситалари билан таъминланган.

Бироқ мактабда 35 та синфхона бор. Уларда икки навбатда 1070 нафар ўқувчи тахсил олади. Синфларнинг тешилиб қолган поллари, ҳар қанча ювган билан доғлари кетмайдиган доскалар, деворларга тушган ёриқларни ямаб йўқотиб бўлмайди.

Мактаб газ тармоғига уланган. Синфхоналарда ҳаво ҳарорати илиқ. Бу қувонарли ҳолат, албатта. «Қишда шундан бошқа яна нима керак?» дейсизми? Йўқ, бу савол, бундай ўйлаш нотўғри. Ўқувчилар қиш фаслида ҳам барча фанларни тўлиқ ўзлаштириши, дарслар талаб даражасида ўтилиши шарт. Жумладан, жисмоний тарбия дарслари ҳам. Аммо, мактаб спорт залига қулф урилганига анча бўлган.

Илиқ кунлари мактаб стадионидан шуғулланган ўқувчилар қиш ойларида жисмоний тарбия дарсларини ўз синфларида шахмат-шашка ўйнаб, турли машқлар бажариб ўтишга мажбур. Демак, мактабда бу

фий тадбирлар ҳам синфларда номигагина уюштирилиши кундай равшан.


Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Хонқа тумани кенгаши раиси Умрбек Абдуллаев билан суҳбатлашганимизда, вазиятдан хабардорлигини, ота-оналар бир неча бор норозилик билдириб, мурожаат қилишганини, қолаверса, бу касабаси аъзоларининг меҳнат муҳофазасига ҳам жиддий эътибор қозониб, мактаб маъмурияти янги спорт зали қурилишида амалий ёрдам сўраб, маҳаллий ҳокимликка қилган мурожаатлари натижасиз қолганини айтди.



зали тарафга умуман яқинлашманлар, деб кўп ўқтирамиз. Худо кўрсатмасин, бино қулаб тушса, шу атрофдан ўтаётган болалар, ўқитувчиларга жиддий эътибор етмаслигига кафолат борми?

Ҳақиқатан ҳам, том ва деворлардаги ўпирчиликлар, улардан тушган лой бўлақларини кўриб, хавотир бежиз эмаслигига амин бўлдик.

Мактабнинг қулфланган тарафи фақат спорт зали эмас, фаоллар зали ва ошхона учун ҳам мўлжалланган бўлиб, улар ҳам фаолият кўрсатма-япти. Қиш кунлари иссиқ овқат ёки қайноқ сувга эҳтиёж кучлигини инобатга олсак, бу болалар саломатлигига эътиборини англаш қийин эмас. Фаоллар зали бўлмаса, маънавий-маъри-



Янада ачинарлиси, ушбу муаммо яқин ўртада юзага келган эмас. Вилоят ДАҚН инспекцияси 2011 йилда спорт зали авария ҳолатига келиб қолгани сабабли, бузиб, янгидан қуриш ҳақида таклиф берган. Аммо, орадан қарийб саккиз йилдан зиёд вақт ўтганига қарамастан, масала ечим топмаган. Наҳотки, мутасаддилар бинонинг кун келиб қулашини кутаётган бўлса...

Мўҳаббат Тўрабоева, «Ishonch»



Қинғир ишнинг қийғи

СОХТАКОРНИНГ «СИРИ»

ёхуд тўхтаган «парвоз»
Бундан бир неча йил олдин сурхондарёлик Абдураҳмон Назаров Россияга ишлаш учун бориб, ушбу давлатда бўлиш қондаларини бузгани учун мажбурий тартибда чиқариб юборилган эди.

Бу ҳолатда муайян муддат мобайнида Россияга бориш ҳуқуқидан маҳрум этилгани билан Абдураҳмон кингирликка қўл урди. У уқасининг номига чипта сотиб олиб, «Тошкент-Санкт-Петербург» йўналиши бўйича учадаган самолётга ўтирмоқчи бўлди. Аммо аэропортнинг синчков ходимлари бу қаллобликни сезиб қолишди. Унинг бармоқ излари намунаси текшириб кўрилганда, тақдир этилган паспорт бошқа шахсга тегишли экани

Шерзод ШОДМОНОВ, Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Тергов бўлими терговчиси

Эълонлар

«Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига «Агро-кимёхимия» АЖ Вобкент тумани филиалининг 2019 йил 25 ноябрдаги 01-07/65-сонли буюртма-хатига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Хўжаработ» МФЙ, «Хўжаработ» аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 2800,м², қурилиш майдони 969,м² ва фойдали майдони 900,5м²дан иборат бўлган «Молхона биноси».
2. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Гулистон», МФЙ, «Гулзор» аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 520,м², қурилиш майдони 520,м² ва фойдали майдони 474,4м²дан иборат бўлган «Минерал ўғит омбори».
3. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Мирвоши» МФЙ, «Мирсулаймон» аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 135,м², қурилиш майдони 117,м² ва фойдали майдони 104,24м²дан иборат бўлган «Биолаборатория биноси».
4. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Мирвоши» МФЙ, «Мирсулаймон» аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 135,м², қурилиш майдони 117,м² ва фойдали майдони 104,24м²дан иборат бўлган «Биолаборатория биноси».

Аукцион савдоларига иштирок

этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртма-хатига асосан ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9:00дан 18:00гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдоси 2019 йил 30 декабрь кун соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилиш охириг мuddати 2019 йил 28 декабрь кун соат 18:00да тўхтатилади.

Мазкур бинолар 2019 йил 30 декабрь кун ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда биноларнинг такрорий аукцион савдолари 2020 йилнинг 6-, 13-, 20-, 27 январь ва 2020 йилнинг 3-, 10-, 17-, 24 февраль кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида бинога бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

- савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат пули тўғрисида келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридидаги закалат пуллари тўлашлари;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан – паспорт нусхаси;
- хорижий юридик шахслардан – уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
- хорижий фуқаролардан – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти;
- Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслардан – яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Савдолар учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00да тўхтатилади.

Буюртманомалар иш кунлари (яъни шанба ва яқшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: «Ипотек банк» АТБнинг Бухоро шаҳридаги Сардор филиали, қ/р: 20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286) тўлашлари шарт.

Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. Тел: (0-365)221-51-81. E-mail: spartak-konsalting@umail.uz. Веб-сайт: www.sk7.uz. Лицензия RR-0079

Янгийул шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 10.09.2018 йилдаги 634406-сонли реестр тартиб рақами билан Янгийул шаҳри, Узумкўр кўчасида рўйхатдан ўтган «JASUR LIDER MAX» МЧЖ (СТИР: 305737748) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 630-сонли қарори ва корхона мулкдорининг 2019 йил 21 июндаги 1-сонли қарорига асосан тугатилиши маълум қилинади.

Барча эътирозлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой вақт мобайнида қуйидаги телефон бўйича қабул қилинади.

Давлолар (98) 303-71-21 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Янгийул шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 05.02.2018 йилдаги 572995-сонли реестр тартиб рақами билан Янгийул шаҳри, Беруний кўчасида рўйхатдан ўтган «YANGIYUL SHORVA» МЧЖ (СТИР: 305275327) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 630-сонли қарори ва корхона мулкдорининг 2019 йил 21 июндаги 1-сонли қарорига асосан тугатилиши маълум қилинади.

Барча эътирозлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой вақт мобайнида қуйидаги телефон бўйича қабул қилинади.

Давлолар (98) 303-71-21 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Янгийул шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 05.02.2018 йилдаги 602301-сонли реестр тартиб рақами билан Янгийул шаҳри «А.Икромов» кўчасида рўйхатдан ўтган «YANGIYUL MEGA» МЧЖ (СТИР: 305500576) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 630-сонли қарори ва корхона мулкдорининг 2019 йил 3 июндаги 1-сонли қарорига асосан тугатилиши маълум қилинади.

Барча эътирозлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой вақт мобайнида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Юнусов тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №583668 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTEXPO» МЧЖ (СТИР: 305359030) тугатилди.

Давло ва эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (+99871) 267-53-16.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва касабаси уюшмаси университетнинг Инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Исроҳ ҒЎБОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Наманган вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси жамоаси тармоқ касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Гулчеҳра КАЗАКБАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва касабаси уюшмаси университетнинг Инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Исроҳ ҒЎБОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Наманган вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси жамоаси тармоқ касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Гулчеҳра КАЗАКБАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

